

**2014-2**

**Судланганларнинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.**

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 2011 йил 30 мартдаги ҳукмига кўра, Ш. Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан 12 йил, 25, 186<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми "а" банди билан 7 йил озодликдан маҳрум қилиш, 177-моддаси 2-қисми "в" банди билан 6 ой қамок, Жиноят кодексининг 59,61-моддалари тартибида 13 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг 2013 йил 13 майдаги ажрими билан Ш.га нисбатан чиқарилган суд ҳукми 2012 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқлаштирилиб, айбловдан Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисми "в" банди чиқариб ташланган ва унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 25,186<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми "а" бандидан Жиноят кодексининг 25, 186<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми "а" бандига қайта квалификация қилинган.

2013 йил 28 июнда Ш.га оид жиноят иши жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг кассация инстанциясида кўриб чиқилиб, суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ш. 2010 йил 23 декабрда О. орқали номаълум шахсдан 2.400 АҚШ долларига сотиб олган 872,21 грамм "опий" гиёҳвандлик воситасини келгусида қайта сотиб, фойда кўриш мақсадида таниши С.нинг уйида қонунга хилоф равишда сақлаб келган.

2010 йил 27 декабрь куни Ш.нинг уйида ўтказилган кўздан кечириш чоғида, қонунга хилоф равишда сотиш мақсадида сақланаётган 1,5 литр

ҳажмли 1.087 дона пластик идишга қадоқланган, хорижда ишлаб чиқарилган 20.136.675 сўмлик 1.630,5 литр этил спирти топилиб, ашёвий далил сифатида олинган.

Суд Ш.нинг айбдорлик масаласини ҳал этишда асосли хулосага келган бўлса-да, унинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Жиноят кодексининг 177-моддасида, валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олганлик ёки ўтказганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги **"Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида"**ги қарорининг тўртинчи бандида, валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш деганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу ҳаракатлар содир этилган вақтда валюта қимматликларини ўрнатилган тартибни бузган ҳолда сотиб олиш, сотиш ёки алмаштириш тушунилиши кўрсатилган.

Иш ҳужжатларига кўра, Ш. валюта қимматликларини бошқа шахсдан сотиб олмаган ёки бошқа шахсга сотмаган, шунингдек, валюта қимматликларини бошқа пул бирликларига алмаштирамаган бўлиб, 872,21 грамм "опий" гиёҳвандлик воситасини 2.400 АҚШ долларига сотиб олиб, хорижий валюта муомала воситаси сифатида фойдаланган.

Жиноят кодексининг 25-моддасига мувофиқ, қасдан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилиши қайд этилган. Ш. келгусида сотиш мақсадида 872,21 грамм "опий" гиёҳвандлик воситасини таниши С.нинг уйига олиб бориб, вақтинча сақлаб туриш учун қолдирганидан сўнг ушланиб, жиноий қилмишини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, охирига етказа олмаган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2014 йил 13 мартдаги ажрими билан Ш.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, Ш.нинг айбловидан Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисми "в" банди ва Жиноят кодексининг 61-моддаси тартибида жазо тайинлаш қисми чиқариб ташланди ва унинг ҳаракати Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисмидан Жиноят кодексининг 25, 273-моддаси 5-қисмига қайта квалификация қилинди, Жиноят кодексининг 25, 186<sup>1</sup>-моддаси 2-қисми "а" банди билан тайинланган жазо ўзгаришсиз қолдирилиб, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 12 йил 9 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди ҳамда тайинланган жазонинг ўталмаган қисми амнистия актларига асосан тегишли тартибда қисқартирилди.

***ЖСХ 5-10-14 назорат иши***